"Касби тумани Қамаши қишлоғидаги "Қамаши", "Хўжаки", "Мушқоқи", "Нуробод" МФЙлардаги аҳоли таморқалари суғориш тизимини яхшилаш " объектининг ишчи лойиҳа- смета ҳужжатларини (муаллифлик назорати билан бирга) ишлаб чиқиш бўйича тузилган 88427-сонли ШАРТНОМА

“ 01 ” июнь 2022 йил Қарши шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалигида капитал қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш агентлигининг **“Қашқадарёсувқурилишинвест” давлат муассасаси** (кейинги матнларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи директор **А.Шарипов** бир томондан, Қашқадарё вилояти **«Агромелиомаслахат» МЧЖ** (кейинги матнларда “Бажарувчи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи, директор **Р.Холмуратов** иккинчи томондан мазкур шартномани туздилар:

1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. “БУЮРТМАЧИ” топшириқ беради ва **“БАЖАРУВЧИ”** қуйидаги вазифаларни ўз зиммасига олади: **"Касби тумани Қамаши қишлоғидаги "Қамаши", "Хўжаки", "Мушқоқи", "Нуробод" МФЙлардаги аҳоли таморқалари суғориш тизимини яхшилаш "** объектининг ишчи-лойиҳа смета ҳужжатларини (муаллифлик назорати билан бирга) белгиланган тартибда сифатли қилиб, буюртмачининг талаби бўйича ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган, белгиланган муддатда бажариш иш режаси (1-илова) ва лойиҳа-қидирув ишлари учун дастурий смета (2-илова) га мувофиқ ишлаб чиқади.

1.2. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида рўйхатдан ўтгазилган кундан бошлаб кучга киради ва ушбу шартнома муддати иккала томоннинг мажбуриятлари бажарилгунга қадар амал қилади.

1.3. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишлар буюртмачи томондан берилган лойиҳа топшириқномасига асосан ва тасдиқланган нуқсонли далолатномага мувофиқ амалга оширилади.

2.ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1. “БАЖАРУВЧИ” нинг мажбуриятлари:

- Танлов (харид) комиссияси томонидан голиб деб эълон қилинган (танлов баёни тасдиқланган) кундан бошлаб, буюртмачи томонидан тақдим этилган лойиҳа топшириқномасига асосан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш ва “БАЖАРУВЧИ” томонидан танлов (харид) комиссиясига берган таклифига асосан белгиланган муддатда ишчи лойиҳа-смета ҳужжатларини амалдаги қурилиш нормалари ва меъёрлари, ҳамда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига қатъий риоя этган ҳолда тўғри ва сифатли қилиб тўлиқ ишлаб чиқиб, “БУЮРТМАЧИ” га ўрнатилган тартибда 3 нусха комплект тасдиқланган ҳолда папкада, 1 нусха электрон вариантда топшириш;

- амалдаги тегишли шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг талабларига биноан ишлаб чиқилган смета ҳужжатларидаги асословчи ҳужжатларни тўлиқ равишда буюртмачига топшириш;

- Агарда ишчи лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш монтаж ишлари олиб борилаётган жараёнда бирор бир хато-камчиликлар аниқланса, нотўғри ҳисоб-китоблар мавжуд бўлса, уларни тўлиқ равишда белгиланган тартибда бартараф этилиши, тузатилиши, ҳаражатлар копланиши "БАЖАРУВЧИ"нинг ўз маблаглари ҳисобидан амалга оширилади. Буюртмачи томонидан қайта ёки қўшимча тўловлар тўланмайди.

- Ишчи-лойиҳа бўйича қабул қилинган техник қарорлар ва ечимлар учун тўлиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади;

- Ишчи-лойиҳани амалга оширишда таъсир килиши мумкин бўлган барча маҳаллий, табиий ва гидрогеологик шароитларни ўрганиш;

- Бажарилган ишларнинг натижаларини "БУЮРТМАЧИ" билан келишиш;

- "БУЮРТМАЧИ" га шартнома бўйича барча бажарилган ишларни сифатли қилиб ўз муддатида тўлик топшириш;

- Лойиҳа кидирув ёки смета ишлаб чикиш учун субпудрат ташкилотни жалб килишда "БУЮРТМАЧИ" ни хабардор килиш ва ёзма равишда розилигини олиш;

- Объектга қурилиш монтаж ишлари олиб борилаётган даврда ишларнинг сифати билан яқиндан танишиш ҳамда муаллифлик назоратини олиб бориш мақсадида, тасдиқланган объектга чикиш жадвалига асосан лойиҳа бош муҳандиси ва тегишли масъул ходимлар қурилиш-монтаж ишлари якунлангунга қадар ойига икки маротаба бажарувчининг хизмат машинасида назоратни олиб бориш;

2.2. "БУЮРТМАЧИ" нинг мажбуриятлари:

- "БАЖАРУВЧИ" га шартномада назарда тутилган тартибда ва шартларга асосан белгиланган кийматларни тўлаш;

- "БАЖАРУВЧИ" га ишчи лойиҳани ишлаб чикиш жараёнида фойдаланувчи ташкилотдан керакли бўлган бирламчи ҳужжатларни тўлиқ равишда олиб тақдим этиш;

- "БАЖАРУВЧИ" га шартномада назарда тутилган шартларда асосан ишларни бажаришда ўз ваколати доирасида амалий ёрдамлар бериш.

3.ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома бўйича 2022 йил 28 майдаги 88427-сон баённомага асосан танлов савдоси натижасида аникланган ишлар киймати барча соликлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда, қўшилган қиймат солиги билан жорий нархларда **260 000 000** (икки юз олтмиш миллион) сўм миқдорида тўловни ўрнатилган тартибда босқичма-босқич бажарган ишига ва сифатига нисбатан амалга оширади.

3.2..Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида рўйхатдан ўтгандан сўнг, "БУЮРТМАЧИ" шартнома қийматидан 15 % миқдорида бўнак (аванс) тўлайди. Қолган қийматни эса акт ҳисоб-фактура ҳамда ҳисоботларга асосан босқичма-босқич ҳисоб-китобни амалга оширади.

4. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Бажарилган ишларни кўриб чиқиб, қабул килиш лойиҳа топшириқномасидаги талабларга мувофиқ амалга оширилади.

4.2. «БАЖАРУВЧИ» томонидан амалдаги норматив меъёрларга мос равишда ишлаб чиқилган ишчи лойиҳа-смета ҳужжатларини, тақдимотларни ва объектга тегишли барча

асословчи техник шартларни, маълумотларни ҳамда ҳужжатларни “БУЮРТМАЧИ” га руйхат бўйича нусхасини топширади.

4.3. Лойиҳа ишлари якунлангандан сўнг лойиҳани жойига кўчириш ишларини (реперни, пикетни, ишчи-лойиҳани ва х.к) «БАЖАРУВЧИ» “БУЮРТМАЧИ” ва пудратчи (курувчи) ташкилотларнинг масъул вакиллари иштирокида топшириш ва кабул килиш тўғрисида тузилган далолатномага асосан объект қабул қилинади ва ҳужжатлар тўплами уч нусхада расмийлаштирилиб буюртмачига икки нусха бажарувчи топширади.

4.4. «БАЖАРУВЧИ» томонидан ишлаб чиқилиб тақдим этилган смета (ҳисоб-китоб) ҳужжатлари бир нусхада электрон ҳамда бир нусхада тасдиқланган қогоз кўринишда, зарур бўлса, асосий тасдиклаш учун хафвсизлик калити билан бир нусхада бўлиши, ҳар бир маҳаллий ресурс вараги (иш тури) алоҳида EXCEL файлида топшириш;

4.5.“БУЮРТМАЧИ” мазкур шартноманинг 4.2-бандида кўрсатилган бўйича ишларни қабул килиш далолатномасини «БАЖАРУВЧИ» тақдим этганидан сўнг 5 иш кун ичида қабул қилиб, имзолаши лозим. Агарда эътирозлар бўлса дархол ёзма равишда «БАЖАРУВЧИ» га билдириши талаб этилади.

4.6.“БУЮРТМАЧИ” ишни қабул килишни асосли равишда рад этган тақдирда, томонлар ўртасида ишлардаги камчиликларни ва уларни бартараф қилиш муддатларини акс эттирган ҳолда далолатнома тузилади.

4.7. Агар ишларни бажариш давомида уни кейинчалик амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 иш кун ичида бир-бирларини ишларни тўхтатилиши тўғрисида хабардор қилишлари керак ва 15 иш кун ичида ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлигини кўриб чикишлари керак. Иш тўхтатилган тақдирда, бажарилган ишлар ушбу лойиҳа учун тақдим этилган рентабеллик даражаси билан боглиқ бўлган ҳақиқий ҳаражатлар учун “БУЮРТМАЧИ” томонидан белгиланган тартибда тўланади.

4.8. Ўзаро якуний ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун томонлардан бирининг ёзма мурожаати кўриб чикилади ва шу асосда ишлар тугатилди деб ҳисобланса, якуний тўловлар ниҳоясига етказилади.

4.9. Агар ишни бажариш даврида “БУЮРТМАЧИ” ёки «БАЖАРУВЧИ» ишнинг бир турини бошқасига алмаштириш зарур деб топса, бундай алмаштириш ушбу иш доирасида томонлар ўртасида ёзма келишув асосида амалга оширилади.

4.10. Лойиҳа ишларни қабул килиш муддати танлов (харид) комиссиясининг карорига мувофиқ, белгиланади ва танлов ўтказилган (танлов баёни тасдикланган) кундан бошлаб 15 иш кунни ташкил этади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Агар ўз вақтида ишчи лойиҳа-смета ҳужжатлари сифатли қилиб бажарилмаса;

- бажарувчининг хизмат машинаси билан муаллифлик назорати олиб борилмаса; «БАЖАРУВЧИ» “БУЮРТМАЧИ” га кечиктирилган ҳар бир кун учун шартноманинг умумий қийматининг 80% қисмидан 0,05% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Смета ҳужжатларида сифатсиз бажарилган ишлар аниқланса, ёки лойиҳанинг техник қисмида хатолик мавжуд бўлса, «БАЖАРУВЧИ» барча хатоларни қайтадан ишлаб чиқиб тўғрилайди, боглиқ бўлган барча ҳаражатларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

5.3. "БУЮРТМАЧИ" кўрсатилган хизматлар (ишлар) учун тўловни асоссиз равишда кечиктирганда, «БАЖАРУВЧИ» га ҳар бир кечиктирган кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0.01 % миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов миқдорининг 10% дан кўп бўлмаган миқдорида жарима тўлайди.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, айбдор томон Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги ҳамда "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий асослари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси конуни, бошқа қонун ҳужжатлари ва ушбу шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

6.2. Томонлар ўртасида келишмовчилик низолари келиб чиққан тақдирда ушбу низолар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Судларида қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади. Агар бундан олдин томонлар ўзаро келишувга келишмаса.

7.ҚЎШИМЧА ВА БОШҚА ТАЛАБЛАР.

7.1. Ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб томонлар қўшимча келишувлар тузадилар.

7.2. «БАЖАРУВЧИ» ушбу шартномада назарда тутилган барча ишларни бажаришда фақат "БУЮРТМАЧИ" нинг рухсати билан учинчи шахсларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

7.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб, икки асл нусхада тузилди ва тарафлар томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

8.ШАРТНОМА МУДДАТИ.

8.1. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабрь.

8.2. "БУЮРТМАЧИ" ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш тўғрисидаги (акт) далолатномаси имзолангандан сўнг ишлар тугаган деб ҳисобланади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ:	*БАЖАРУВЧИ:*
"Қашқадарёсувқурилишинвест" ДМ	**«Агромелиомаслаҳат» МЧЖ**
Манзил: Қарши шаҳар Чап киргоқ 1	Манзил:Қарши ш. Чанкирғоқ кўчаси, 1-уй
Тел/факс: 226-12-40, 226-18-09	Х/Р: 2020 8000 9042 1503 8001
ш/х: 10001086010401704980117013 2	АТБ Турон банки Қарши шаҳар филиали,
СТИР: 200667350	МФО: 00192
Бюджетдан маблағ олувчи ОКЭД 70220	ИНН: 204 233 263
Молия вазирлиги Ғазначилиги	ОКЭД: 61110
Ғазна х/в 23402000300100001010	Тел:75-226-14-25

Банк номи:Марказий банк ХККМ Тош.шаҳри
МФО 00014 Ғазначилик СТИРи 201122919

Директор:_____**А.Шарипов** **Директор:**_____**Р.Холмуратов**